



Қахрамон АЛМАНОВ,
Гулистон давлат университети доценти, т.ф.ф.д
E-mail: almanov20111988@gmail.com

Ўз ФА МАМ катта илмий ходими, т.ф.д. Ф.Б. Бобоёров тақризи асосида

THE SECOND HALF OF THE XIX-THE BEGINNING OF THE XX CENTURY FORMATION OF ETHNONYMS IN THE JIZZAKH OASIS HISTORY

Abstract

The article highlights the ethnotoponyms of the Jizzakh oasis of the late XIX – early XX century, their peculiar history. Also, in the names of various municipalities that are administrative units of the Jizzakh oasis, cases related to ethnic groups are mentioned. The formation of toponyms depending on the social and ethnic affiliation of the inhabitants of the territories that make up the oasis was analyzed taking into account some opinions on their relationship with the ethnonyms of other territories.

Key words: Jizzakh, Samarkand, ethnic sosav, Puchugoy, sarai, Naiman, Khalair, Balkhi, Hammer, Jolangar, sarjik, Abdal, Kara, Chubar, holtoy, Gallin, Zomin.

ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX-НАЧАЛО XX ВЕКА ФОРМИРОВАНИЕ ЭТНОНИМОВ В ДЖИЗАКСКОМ ОАЗИСЕ ИСТОРИЯ

Аннотация

В статье освещаются этнопонимы Джизакского оазиса конца XIX – начала XX века, их своеобразная история. Также в названиях различных волостей, являющихся административными единицами Джизакского оазиса, упоминаются случаи, связанные с этносами. Формирование топонимов, зависящих от социальной и этнической принадлежности жителей территорий, входящих в состав оазиса, было проанализировано с учетом некоторых мнений по вопросу их взаимосвязи с этнонимами других территорий.

Ключевые слова: Джизак, Самарканд, этнический состав, Пучугой, сарай, Найман, Джалаир, Балхи, Молот, Джолангар, сармич, Абдал, Кара, Чубар, холтой, Зомин.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ЭТНОТОПОНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ

Аннотация

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах воҳасидаги этнопонимлар, уларнинг ўзига хос тарихи ёритиб берилган. Шунингдек, Жиззах воҳасининг маъмурий бирликлари бўлган турли волостларнинг ҳам номланишида этнослар билан боғлиқ ҳолатларга этибор қаратиб ўтилган. Воҳа таркибидаги ҳудудлар аҳолисининг ижтимоий ва этник мансублигига боғлиқ бўлган жой номларининг шаклланиши уларнинг бошқа ҳудудлардаги этнонимлар билан ўзаро боғлиқлик масаласида ҳам бази бир фикрлар билдирилиб таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Жиззах, Самарқанд, этник таркиб, Пучугой, Сарой, Найман, Жалойир, Балхи, Болғали, Жўлангар, Сармич, Абдал, Қора, Чубар, Холтой, Зомин.

Кириш. Жиззах воҳасидаги айрим тоғли туманларда жойлашган аҳоли масканларининг катта бир қисмини этник номлар билан аталувчи қишлоқлар ташкил этади. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам воҳадаги кўплаб жой номлари этнопонимлардан иборатлигини кузатишимиз мумкин. Жиззах воҳасидаги йирик аҳоли масканлари – шаҳар ва қўрғонлар (беклик ёки туман марказлари) номида бу ҳолат деярли кўзга ташланмаса-да, воҳа аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшаб, этник номлардан шаклланган аҳоли масканлари сезиларли даражада кўпчиликни ташкил этади (айниқса тоғли туманларда кўпчиликни ташкил этади). Марказий Осиёнинг кўпчилик қисмига хос бўлган бундай ҳолатлар, минтақанинг қадим ва ўрта асрлардан бери энг кўп аҳолига эга қисми бўлган Амударё – Сирдарё оралиғи бошқа ҳудудларга нисбатан анча устуворлик қилиб келган. Айтиқса, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхон воҳалари бу масалада сўнгги ўрта асрлардан бери етакчилик қилиб келса[1,2] Бухоро, Хоразм, Тошкент, Фарғона водийсида ҳам этнопонимлар сезиларли миқдорни ташкил этади [2,3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Жиззах воҳасидаги энг йирик сиёсий-маъмурий бирлик бўлмиш Жиззах, Зомин, Фориш, Бахмал каби тоғли туманлардаги

жой номлари таркибига назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳудудларда этнопонимлар кўпчиликни ташкил этгани аён бўлади. Воҳанинг энг йирик марказий ҳудудларидан ҳисобланган Жиззах шаҳри, Зомин, Ём, Янгикўрғон, Нуруто, Ровот каби йирик аҳоли масканлари – турли туман қишлоқ ва аҳоли масканларини ўз ичига олган бўлиб уларда ҳам халқ ва унинг юмушига қараб номланадиган манзилгоҳлар кўпчиликни ташкил этган. Хонликлар даврида мавжуд бўлган Жиззах беклигидаги этнопонимларнинг мутлақ кўпчилигини ўзбекларнинг “Юз” қирқ қипчоқ уруғи билан боғлиқ аҳоли масканлари ташкил этган бўлиб, уларнинг бир қисми ушбу этноним билан, сезиларли бир қисми эса бу уруғларнинг тармоқлари билан боғлиқлиги маълум бўлади. Жумладан, Жиззах беклигининг марказий ҳудудлари ва унга яқин ҳудудларда Қипчоқ, Юз, Сарой, Найман, Қайирма, Солин, Қанғли, Манғит, Жалойир, Барлос, Абдал қишлоқлари [4] тўғридан-тўғри шу уруғлар билан боғлиқ бўлса, Болғали, Уязсолин, Чувиллоқ, Чибар, Қоропчи, Холтой, Парчаюз, Қитойюз, Қўштамғали, Галабосар, Эсабой, Бешбало, Небуса, Гувалак, Тўда, Қозоқ, Қора, Човқартов, Қорақурсоқ, Бешкал, Бешар, Галабачча, Олмасувон ва бошқалари[4] ушбу уруғларнинг бирор тармоқ ёки тўплари билан алоқадордир. Жиззах воҳасидаги кўпчиликни ташкил этувчи этнопонимлар ўзбекларнинг

“Юз, қирқ, сарой, найман, барлос, минг, қангли” уруғлари билан боғлиқ бўлса, маълум бир жой номлари жалойир, кўнғирот, қороқалпоқ уруғи ва унинг тармоқлари билан боғлиқдир. Масалан, Бахмал туманидаги Қўштамғали тўпи вакиллари ўзларини юз уруғининг бир бўлига деб ҳисобласа маълум бир тадқиқотчилар юз таркибига қўштамғалини киритмайди. Жиззах воҳасидаги мамурий бирликлардаги жой номларининг аксари юқорида номлари келтириб ўтилган уруғва уларнинг маълум бир бўлаклари билан боғлиқ бўлган жой номларидир. Жиззах воҳасида ҳукумурон уруғ бўлган юз уруғи вакиллари Бухора амирлиги даврида қўшни бўлган Ўратепа ва Хўжандда ҳам ҳукумурон қабилас исфатида ҳокимиятда турган ва бу ҳудудларда ўзларининг номи билан аталадиган кўплаб манзилгоҳларга асос солишган.

XX асрнинг бошларида юзлар ва қирқлар, асосан, ҳозирги Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Жиззах туманларида, шунингдек қўшни Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Шеробод-дарё ва Қоратогдарё водийларида яшаганлар. Бу ерларда юзлар ва қирқлар жуда катта гуруҳларга уюшиб, кенг ҳудудни эгаллаганлар. Шу сабабли бу икки уруғнинг ўзаро ички бўлинишларида бир бирига ўхшаш ҳолатлар анчагина ташкил этиши кузатилади. Жиззах воҳасидаги юз, қирқ, сарой, найман, қангли, қипчоқ, барлосларининг кўпчилиги асосан воҳанинг тоғли туманлари Бахмал Ғаллаорол, Зоминда, Туркман, турк каби уруғлар эса Фориш ва Бахмал, Зомин, Жиззах ҳудудларида кўпчиликни ташкил этган. Бу уруғ ва қабилалар воҳанинг асосан тоғли туманларида яшаб, ўзларини «Ўсмаат турклари, Зомин турклари, Кўрпасой турклари, Жиззах турклари» деб айтишган[5]. Бу каби ҳолатлар бошқа уруғ ва этносларда ҳам анъана тарзда учрайди масалан қирғиз этносида Бахмал қирғизи, Зомин қирғизи, ёки найман, сарой қабилалар таркибида (Қорасарой, Ғурумсарой, Пасткисарой) шунингдек, қўшни бўлган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги юз,кўнғиротлар орасида ҳам сақланган бўлиб, кўнғиротларнинг ички тармоқ уруғ ва тўплари билан аталувчи этнопонимлар анча кўпчиликни ташкил этиши мисолида ҳам ўз тасдиғига эга эканлигини кузатишимиз мумкин. Жиззах воҳасида Барлос, Найман, Сарой, Қирқ, Қипчоқ, Қўнғирот, Қангли, Жалойир, Минг, Юз, Бетжуз, Парчаюз, номли қишлоқлар воҳанинг барча ҳудудларида учрайди. Шунингдек, ушбу уруғларнинг тармоқ номлари билан аталган куйидагича қишлоқлар воҳа бўйлаб тарқалганига гувоҳ бўламиз: Чувиллоқ, Ўдамали, Обиз, Қора, Чубар, Холтой, Қорача, Парчаюз, Бешжуз, Қўштамғали, Қорасийроқ, Чангал, Бешбала, Уяс, Солин, Моғол, Галобосар, Тўғузруқ, Бешкуви, Пучугой, Болғали, Увол, Ориқ, Калтатой ва х.к[4]. Зарафшон воҳасида (Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах) Дувлат, Керайит, Макрид, Мўғул, Найман, Қовчин, Қутчи, Қоропчи ва ҳоказо каби этнонимлар мавжуд[4]. Баъзи тадқиқотчилар буни шундай изоҳлайдики, дастлаб мўғул қабил ва уруғлари атрофига туркий қабилалар тармоқлари ва шохобчалари бирлашган бўлса, кейинчалик эса улардан фақатгина мўғулча номгина сақланган ҳолда ўзининг маъносини унутган[6,7]. Бунга ўхшаш ҳолатларга тескари ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, бугунги Жиззах, Қашқадарё Сурхондарё воҳаларининг маълум бир ҳудудларидаги ўзбекча этнопонимларнинг кўпчилигини туркий негизли жой номлари ташкил этиши ва уларнинг луғавий маъноси маҳаллий аҳоли орасида турлича изоҳланиши кузатилади: Сарой, Қарлуқ, Қозоёқли, Қутчи, Қипчоқ, Қўнғирот, Қоропчи ва ҳоказо [4].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда қиёсий, тарихий ва германевтик таҳлил усуллари асосида Жиззах воҳасидаги этник жараёнлар тадқиқ этилди.

Жиззах воҳасининг энг чекка қисмида жойлашган Фориш, Янгиобод, Зомин ҳудудларида воҳадаги бошқа

ҳудудлардан бирмунча фарқли этнопонимлар учрайди. Қизиғи шундаки, уларнинг бир қисми воҳанинг қадимги туркий этнонимларини бошқаларига қараганда кўпроқ акс эттиради. Жумладан, ушбу ҳудудда Абдал, Арғин, Жалойир, Макрит, Мўғул, Қангли, Туркман, Сарой ва ҳоказо каби этнопонимлар учраб [4], уларнинг кўпчилиги кўчманчи ўзбек уруғлари воҳага кириб келиши билан боғлиқ ҳолда ёки ундан анча аввал кириб келган туркий қавмлар билан боғлиқ ҳолда бўлган. Шу билан бирга, Бахмал,Зомин да ҳам бирмунча қадимийроқ этнопонимлар ҳам учраб, Барлос қишлоғи бунга мисол бўла олади [4]. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Бахмал туманидаги ушбу қишлоқ географик жиҳатдан Самарқанд вилоятига яқин жойлашган бўлиб, Туркистон тоғ тизмасининг Шунқортов тоғ ёнбағрида жойлашган. Барлос этноними каби минтақада нисбатан кам учрайдиган Қипчоқ этнопоними ҳам Жиззах воҳасида бирмунча кенг тарқалган этник ном ҳисобланади. Жиззах марказида бу ном билан боғлиқ аҳоли масканлари кўп учраб, бир қатор Сарой, Найман, Сулокли, Туёкли, Ёйилма, Желлиғули, Жилонли қишлоқлари билан қўшни ёки бирмунча яқин жойлашган Қовчин, Қипчоқ, Қутчи, Қоропчи, Қайирма, Турк, Туркман каби этнопонимлари Жиззах бекигидан ташқари Зомин, Ўратепа, Хўжанд бекикларидида ҳам тарқалган. Жиззах воҳасидаги Сангзор дарёсининг юқори ҳавзасидаги Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Зомин туманларида қирқ, “қипчоқ-сарой”, “қўнғирот”, “юз”, “чувуллоқ”, “қангли”, “қороқалпоқ”, “найман”, “барлос”, “балхи,” “болғали” турк, туркман уруғларининг вакиллари анча кўпчиликни ташкил этиб, улардан ҳар бири ўзларининг ўнлаб қишлоқларига эга бўлган. Бунинг акси ўлароқ Фориш, Янгиободда “қангли”, “қайирма”, “минг”,наман, сарой,қирқ каби уруғлари вакиллари анча озчиликни ташкил этган. Фориш ва Янгиобод тумани аҳолисининг кўпчилигини “турк-туркман” минг, юзлар ташкил қилса, Зомин тумани аҳолисининг катта бир қисми “юз”лардан Бахмал ва Ғаллаоролда Қирқлар нисбатан кўпчиликни ташкил қилган. “Барлос”лар кўпроқ Бахмал туманининг тоғлик қишлоқларида, “Қангли”, “туркман” уруғига мансуб аҳолининг деярли катта қисми Зомин туманида,қоропчи, “ачамайли”, “туёкли” (тенгали) уруғи вакиллари Баёвут Янгиобод, туманида яшаганлар[4]. Ушбу уруғларнинг деярли кўпчилиги XX аср бошларида ўзларининг қишлоқларига эга бўлиб, XXI аср бошларигача ҳам уларнинг кўпчилиги муайян этнопоним сифатида сақланиб қолганлиги кўзга ташланади. Бу уруғ вакиллари XX асрнинг ўрталаридан бошлаб чўл ҳудудларининг ўзлаштирилиши натижасида янги ташкил этилган Дўстлик, Арнасой, Зарбдор, Пахтакор, Сардоба, Сайхунобод каби туманларда ўз уруғларининг номи билан аталадиган қишлоқ ва маҳаллаларга кўчиб келиб яъай бошлаганлар. Воҳадаги 10 дан ортиқ йирик этноним орасида сезиларли қисми бирор этнопоним шаклида учраса, айримлари эса аҳоли сони жиҳатидан кўпчиликни ташкил этса-да, муайян аҳоли маскани сифатида деярли учрамайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, воҳадаги “илонли, жилонли” “лойка ,лақай” уруғлари билан боғлиқ бир қанча йирик қишлоқларга эга бўлса ҳам улар бирор-бир этноним билан эмас, географик хусусиятларига кўра номланган аён бўлади [4].

Таҳлил ва натижалар. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, қаердаки этнопонимлар кўпчиликни ташкил этса ўша ҳудуд аҳолисининг этник жиҳатдан турличалиги кўзга ташланади. Шунингдек, бир-биридан фарқли этник номларга эса аҳоли вакиллари истиқомат қиладиган ҳудудларда ўзаро қўшничилик ҳолати мавжуд бўлса ўша ҳудудда этнопонимларнинг кўп эканлиги, аксинча ҳолатда эса этноним билан аталувчи қишлоқларнинг анча кам учраши аён бўлади. Юқорида Бахмал, Зомин,

Галлаорол, Фориш туманлари қишлоқлари номида этнонимларнинг кўп учраши бу ҳудудда асосан қирқ, сарой, “юз”найман, қаропчи, уруғи вакиллари яшаганликлари билан очиқланса, воҳанинг Янгиобод, Жиззах каби туманларида этнонимлар нисбаттан кам учрашлиги кузатилади. Шунингдек, Жиззах, Янгиобод туманларида этник жиҳатдан кўпчилик ўзбек аҳоли бўлгани, бу ҳудудда қирғиз козоқ ёки араб аҳоли жуда камчиликни ташкил этиши туфайли бу ерда этнотопонимларга нисбаттан камроқ дуч келинади. Воҳанинг Бахмал, Зомин, Галлаорол, Фориш туманларида эса бунга бирмунча зид ҳолатни кўриш мумкин. Бу ҳудудда кўпчилик аҳоли ўзбеклардан иборат бўлса-да, Жиззах ва Янгиобод туманларига қараганда этнотопонимлар анча кўп учраши кузатилади. Буни ушбу ҳудудда сезиларли миқдорда тожик, қирғиз, козоқ, араб ва туркман аҳоли вакиллари мавжудлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Воҳанинг тоғли туманларида турли ўзбек уруғлари ўзаро қўшни яшаганликлари туфайли ҳам бу ҳудудда этник номлар билан аталган аҳоли масканларининг кўплаб учрашини таъминлаган. Бундан ташқари, воҳадаги Сангзор дарёси ҳавзасидаги туманлардан фарқли ўлароқ Қуйи Сангзорда (Жиззах шаҳар ва тумани ҳудудлари) қадимий аҳоли масканларининг кўп бўлиши бу ҳудудда этнотопонимлар бирмунча кўпайишига олиб келган. Ушбу аҳоли масканларининг бир қисми ёки қўшниси ўлароқ тожик ва

араб аҳоли яшайдиган аҳоли масканларининг борлиги бундай этнотопонимларнинг пайдо бўлишига олиб келган. (масалан Ардахшон, Хуросон, Тағоп, Деристон, Нонисангил в.х.кзо) XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Жиззах воҳасида этнотопонимларнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларнинг ўрни масаласи билан танишиб чиқиш куйидагича ҳулосаларга келишга имкон берди Жиззах воҳасида бир неча юзлаб этнотопонимлар учраб, уларнинг катта қисми анъанавий ўзбек уруғлари рўйхатида ўрин олган этнонимлар билан алоқалидир: Қирқ, Юз, Сарой, Найман, Жалойир, Қутчи, Минг, Қипчоқ, Қаропчи, Қатагон, Барлос, Турк, Туркман, Дуғлат, Қўнғирот, Сўлокли, Мисир, Қангли, Манғит, Аччи, Батош, Уймовут, Обиз, Абдал, Арлот, Кўрпа ва ҳ.к.

Хулоса ва таклифлар. – муайян бир ўзбек уруғи бўлса-да, “92 бовли ўзбек уруғи” рўйхатида келтирилмаган нисбатан кичик уруғларга алоқадор этнотопонимлар воҳа топонимиясига хосдир: Ачамайли, Туёқли, Сўлокли, Уяс, Солин, Жилонгамғали, Парчаюз, Уйлиқма, Болғали, Қозоёқли, Қўштағали ва ҳ.к.

– воҳада Новка, Қорабдал, Можор, Ухм, Гараша, Нушкент, Намингон, Чаканд, Сармич, Жўлангар каби минтақанинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган ёки деярли сақланиб қолмаган ўрта асрларга хос этнонимлар билан боғлиқ жой номлари мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”
2. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари // Масъул. муҳаррир: А.Муҳаммаджонов. – Тошкент: ЎзМЭ ДИН, 2005.
3. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 203 б.
4. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари // Масъул. муҳаррир: А.Муҳаммаджонов. – Тошкент: ЎзМЭ ДИН, 2005.
5. Норбўтаев П. Қашқадарё воҳасида дostonчилик анъаналари шаклланган ҳудудлар аҳолисининг этник таркиби // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.117–119.
6. Усмонов М. Жанубий Ўзбекистон қўнғиротлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). – Б.15.
7. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.). – С. 77.



УДК:94(575)(093)930.2(575.1)

Зиёвуддин Жўраев,
ЎзМУ катта ўқитувчиси, ЎзХИА (DSc) докторанти
E-mail: juraev741@mail.ru

ЎзДЖТУ доценти О.Масалиева тақризи асосида

АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙ: “АДАБ АД-ДУНЁ ВА АД-ДИН” АСАРИ ТАВСИФИ, УНДАГИ ҚУРЪОНИ КАРИМ ОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мазкур мақолада 964-1058 йилларда яшаган Абулҳасан Мовардийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат бошқаруви назарияси тараққиётига салмоқли хисса бўлиб қўшилган илмий мероси таснифланган. Мазкур илмий мақолада, Абулҳасан Мовардий ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси, қуръоншуносликка қўшган буюк хиссаси, илм, одоб, ҳуқуқ аъво, қобилиятни шакллантириш масалаларида қаратган эътибори Қуръони карим суралари ва оятлари асосида атрафлича ўрганилган.

Калит сўзлар: Қуръон, Ислом, Аҳком, ал-Мовардий, ҳуқуқ, сайлов, сунна, имомат, султон, сура, оят, адабиёт, дин, дунё.

АБУЛҲАСАН МАВАРДИЙ: “ЭТИКЕТ МИРА И РЕЛИГИИ”, ОПИСАНИЕ ЕГО, АНАЛИЗ СОДЕРЖАЩИХСЯ В НЕЙ АЯТОВ КОРАНА

Аннотация

Эта статья описывает работу Абулхасана Моварди, жившего в 964-1058 годах под наследия которая внесла значительный вклад в развитие истории политико-правового учения и теорию государственного управления.

В этой научной статье на основе сур и стихов Корани было подробно изучено внимание Абулхасана Моварди к вопросам жизни, деятельности и научного наследия, большого вклада в науку Коран, становления науки, манер, поведения, способностей.

Ключевые слова: Коран, Ислам, Ахкаам, Маварди, право, выбор, сунна, имамат, султан, сура, стих, литература, религия, мир.

ABULHASAN MAWARDY: “ETIQUETTE OF PEACE AND RELIGION” DESCRIPTION, ANALYSIS OF THE VERSES OF THE QURAN CONTAINED IN IT

Аннотация

This article describes the work of Abulhasan Movardi, who lived in the years 964-1058 which made a significant contribution to the development of the history of political and legal doctrine and the theory of public administration.

In this scientific article, based on the surahs and verses of the Qur'an, the attention of Abulhasan Movardi to the issues of life, activity and scientific heritage, a great contribution to the science of the Qur'an, the formation of science, manners, behavior, abilities was studied in detail.

Key words: Qur'an, Islam, Ahkom, al-Mavardi, laws, government, election, sunna, Imam, Sultan, surah, verse, literature, religion, peace, the world

Кириш. Жаҳонда турли тилли халқлар алломалари илмий мероси орқали исломшунослик, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикшшунослик ривожини учун амалга оширилган ишлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Улар: биринчидан: илмий доиралар, мактаблар – “Аҳли сунна ва-л-жамоъа” кабиларнинг шаклланиши;

Иккинчидан: “Байт ул-хикма”, “Бухоро мактаби: Бухорои шари қуввати исломи дин аст”, “Кеш: Куббатул илм вал адаб”, “Сиван ул-хикма”, “Маъмун”, “Самарқанд мактаби: Самарқанд сайқали рўйи замин аст”, академиялари ва шунга ўхшаган илм даргоҳларини ташкил этиш ва алломаларни қўллаб-қувватлаш, марказларининг ташкил топиши;

Учинчидан: Исмоил Бухорий Ҳадис мактаби, Абу Мансур Мотуридий Самарқандий Калом ва ақида мактаби (Ислом фалсафаси ва теологияси), Аҳмад Ясавий тасавуф мактаби, Бурхонуддин Марғиноний фикҳ мактаби, Абулқосим Жоруллоҳ Замахшарий тафсир мактаби, Амир Темур ҳарбий жанг санъати ва салтанат бошқарув мактаби, Улуғбек астрономия мактаби каби оламшумул фан соҳалари – қуръоншунослик, ҳадисшунослик, фикшшунослик, адабиётшунослик, луғатшунослик, сиёсатшунослик, арифметика, физика, география кабиларнинг шаклланиши ва «Адаб уд-дунё ва-

д-дин» каби асарларнинг яратилиши, ўрганилиши, турли тилларга таржималарининг нашр этирилиши;

Тўртинчидан: янги даврга келиб жаҳон халқларининг мутафаккирлари томонидан илоҳиётшунослик, ақидашунослик, каломшунослик, тафсиршунослик, сиёсий фикҳ, одобнома, сафарнома, ҳуқуқшунослик, жаҳон динлари манбашунослиги, тасавуфшунослик кабилар тобора ривожланиб бормоқда.

Бугунги танлаган мавзуйимиз сифатида, ўрта асрларда яшаб хануз турфа илм-фан сарҳадларини забт этган аллома, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарққиёти, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назариясига оид Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий ал-Кеший аш-Шофъий (964-1058 йй., кейинги ўринларда – Абулҳасан Мовардий) [1] ўзининг серқирра илмий мероси билан тарихда теран из қолдирган. Тарихга Мовардий таҳаллуси билан кирган. Куняси Абулҳасан, исми Али ибн Муҳаммад бин Ҳабибдир. Алломанинг илмий меросини ташкил этувчи “Китоб адаб ад-дунё ва ад-дин” (“Дунё ва дин одобини”) асарига мазкур илмий мақолада қисқача тўхталиш ниятида, қўлга қалам олдик.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистонда Абулҳасан Мовардийнинг диний, дунёвий, адабий, луғавий, сиёсий ҳуқуқ/сиёсий фикҳ, одобнома каби

соҳаларни ўз ичига қамраб олган илмий меросини қурбоншунослик жиҳатдан ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг кўпайиб бораётгани албатта қувонарли ҳолат[2].

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган тадқиқот ишларининг энг салмоқлиси, Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросига оид “Адаб ад-дунё ва ад-дин” (“Дунё ва дин одоби”) асарининг ўзбек тилига илк бора қилинган таржимасидир. Ўзбек тилига таржимон ва сўзбоши муаллифи сифатида Абдуллоҳ Исмоил Маҳдум ҳазратлари томонидан Тошкентда «Hilol-nashr» нашриётида 2017 йилда 454 бетдан иборат шаклу шамойилда чоп этирилди. Бунгача бу асар дунё юзини кўп марталаб араб, турк ва бошқа тилларда кўрган [3],[4].

Абулҳасан ал-Мовардий[5] хижрий 364, мелодий 974 йилларда Басрада зиёли сулолавий қози оиласида таваллуд тоган. Хижрий 450, мелодий 1058 йил 27 майда Бағдодда вафот этган. У ислом маданиятининг ёрқин асрида яшаб ижод этди. У даврда Аббосийлар давлатчилигида илмий тамаддунинг юксак бир даражага кўтариллиши рўй берди. У намоён бўлган Аббосий халифалари даврида турфа хил илм маданиятининг самарасини жамлаган ва Ислом маданияти билан мусулмонларга етказишга, қадимий миллатларнинг илмий меросини ўз илмий ижодиётида мужассамлаштирган бир қанча алломайи замонлар вужудга келган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мустафо ас-Сакко: Мовардий Бағдод академияси талабаси ҳисобланиб, ўз даври машхур намоёндаларимиз бўлган Абу Райхон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн Мискавайх ва бошқалар билан ўзаро алоқалар ўрнатганлиги манбаларда ёритилган. Унинг устозларидан Бағдодда, машхур қози Исфароинлик аллома буюк устоз Абуҳомид Аҳмад бин Тоҳир ал-Исфароиний (в. й. 406) ҳозирда ЎзРФА ШИда у шахснинг юзлаб қўлёзма тарзидаги адабиёт ва тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, калом, ақонд илмларига бағишланган ноёб мероси сақланиб турибди. Унинг машхур шогирдларидан замонаси муҳаддислари раиси саналган Хатиб Бағдодий “Бағдод Тарихи” (30 мужаллад) соҳиби Аҳмад бин Али бин Собит (х. 392 - 463) дир[5].

Абулҳасан Али бин Муҳаммад бин Ҳабиб ал-Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий олим сифатида исломий тафаккурнинг намоёндаларидан бўлган бир мутафаккири ва аҳли сунна ва жамоанинг шофийий мазҳабининг энг буюк фақиҳларидан бир вақтнинг ўзида шу мазҳабнинг ўз даври раисларидан ва аббосийлар давлатининг илғор сиёсатдонларидан саналган шахсият эгаси ва моҳир дипломат, ёрқин фикрли, очик услубли бир адибидир[6].

Мовардий, Ислом маданиятининг турли йўналишларида мусулмонларга бир қанча ибратли асарларни мерос қолдирган. Жумладан: “Тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар [фи ахлоқ ал-малик ва сиёсат ал-мулк]”, “Аълам ан-нубувва”, “Адаб-ул-қози”, “Насиҳат ал-мулк”, “Ан-нуқат ва-л-уйун: тафсир ал-Мовардий” (Қуръони карим тафсири), “Ал-икнаъ”, “Ал-визара”, “Адаб ал-визара”, “Қаванин ал-визара”, “Қаванин ал-визара ва сиёсат ал-мулк”, “Амсал ал-Қуръон”, “Ал-Ҳовий [фи фуруъ ал-фикҳ]”, “Амсал ал-ҳикам”, “Китоб фи-н-наҳви”, “Адаб ад-дунё ва ад-дин” каби асарлари Франция, Англия, Голландия, АҚШ, Шотландия, Россия, Ливан, Миср, Ироқ, Кувайт, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Ўзбекистон каби давлатларда илмий жиҳатдан ўрганилган ва француз, инглиз, фламандча, рус, араб, форс, турк, урду, ўзбек каби тилларида таржималари нашр этилган ҳамда улар шу каби мамлакатларнинг машхур кутубхоналарида сақланмоқда.[7]

Олимнинг китоблари мажмуаси уч қисмга бўлиш мумкин: I. Диний китоблар; II. Сиёсий -ижтимоий китоблар; III. Адабий ва луғавий китоблар[8].

Муаррихларнинг эътирофи этишича, Абулҳасан Мовардийга нисбат берилган манбалар мажмуаси: “Қозилик одоблари”, “Фозилларнинг одоби”, “Сўзлашув одоби”, “ар-Рутба фи талаб ал-ҳисба”, “Инсон ҳуқуқларини талаб этишининг одоб-ахлоқ меъёрлари ҳақидаги тартиботлар” ва ҳоказо...

Бу манбалардан бизга маълум ва машхур бўлгани “Дин ва дунё одоби” дея ном олган асар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топсак. Чунки, у ҳаётда дастуриламал даражасидаги ахлоқий-фалсафий асар ҳисобланиб, айни дамда фавқулоддаги ҳуқуқий манба сифатида қаралиб, нашр қилинмоқда[9].

Аслида, бу китобнинг номи “ал-Буғят-ул-уло фи адаб-ид-дин вад-дунё” дир. Айнан мана шу номдаги асар кўп марталаб нашр этилган ва ҳозирга қадар инсонларнинг давомли такрор ва такрор мурожаат этадиган дастуруламал китобидир. Бу китоб “Адаб -ул-дунё вад-дин” номи билангина машхур[10].

Китобнинг мавзуси ва васфи: бу китобнинг мавзуси, фақатгина илмий жиҳатдан ахлоқ ва диний фазилатлардир. Китобнинг бир қисми эса одобу ижтимоий социал ҳаракатлар ҳақидадир. Мовардий, ахлоқни ирсият, атроф-муҳит, табиат ва мизож илмий-назарий томондан тадқиқ этмайди, балки буларни яхшиликларни, фазилатларини ташвиқ этади.[11]

Ўткинчи одатлари таъкиқлаган Қуръони Карим ва ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.)нинг суннатиға асосланади. Шундан сўнг ахлоқ қоидаларини арабларнинг анъанавий одобига ва араб фотиҳларидан сўнгра араб ва ислом одоби билан мувофиқлашган эски нотаниш расм- русумларга боғлайди. Худди шунингдек, бундан ва ундан ҳикматлар, ўғитлар, мисоллар, шеърлар ва ҳоказолар келтиради.

Мовардий бу жиҳатлардан ахлоқ мавзусида асар ёзган бир қанча ислом муаллифларига ва хоссатан “Равзат-ул-уқало” соҳиби ибни Ҳиббон ал-Бустийга ўхшайди. Ибни Ҳиббон, Ҳадис имомларидан бўлиб, Мовардий эса фикҳ йўналишидаги имомлардан саналарди. Бу эътибор билан Қуръони Карим ва суннатни баробарликда билиш билан араб ва бошқаларнинг одоби ва адабий манбаларига тўхталиб, ўтишда ўзига хос жиҳатидан муштарак томонлари бор. Фақат Мовардийнинг салафи ал-Бустийдан ошқора бир устунлиги бор. Бу устунлик шундаки, Мовардий, юксак диний насс (Қуръон ояти, ҳужжат)ларни, ҳикмату мисолларни ва шеърларни, шахсан уларни асосий мақсад қилиб олиб келтиради. Сўнгра уларга шарҳ, тафсир ва далил келтирмайди балки ахлоқ мавзусининг умумий бир тасаввурини келтириб, унга чегаралар, фасллар ва масалалар тайин этиб асосларини ва қуролларини ажратади, сўнгра бу бўлим ва фаслларни ўз сўзлари асосида махсус тадқиқоти орқали тўлдиради. Кейин ҳадис ва ҳикматли сўзлар каби матнларни келтириш билан бирга уни фикрининг тўғрилиги борасидаги шак шубҳаларни булар Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар воситасида қувватлаб ўтади[12].

Мовардийнинг бу усули, фикҳий мавзуда баҳсли бўлим (боб)ларга, фасл ва масалларга ажратишиб, вақти вақтида ўз фикрларини қувватловчи далиллар ва очик ҳужжатлар келтирган фақиҳларнинг усулига ўхшаб кетади. Бу эътибор билан унинг йўли, ҳадис, луғат ва адабиёт олимларидан ривоят(тарихчи, ҳадис ровийлари) аҳлининг йўли ила тадқиқотларида мутлоқ ҳолда нассларга асосланмасдан балки мангик, тажриба ва мушоҳадага суянган назариётчи тадқиқотчиларнинг йўли орасидаги ўрта бир йўлдир. Муаллиф Мовардий бу китобини беш боб (бўлим)га ажратади.

Мовардий сўз билан амални бирлаштирган юксак ахлоқ соҳиби бўлган зотлардан саналади. Мовардий, фикҳ олимларининг, Бувайх ўғилларидан Жалолуддавллага ҳукмдорлар ҳукмдори лақаби берилмоғининг жоиз

эканлигига фатво беришларига қарши чиқиш билан буюк жасорат кўрсатганди. Чунки, бу муносабат билан у мустабид ҳукмдорнинг ғазабига муориз келганди. Ҳукмдор билан ораларидаги мавжуд дўстлик ипларини узди. Зулмнинг донги кетганлиги ва бирор кимса унинг зулмидан халос бўлмаган бир замонда ноиблар, вазирлар, қўмондонлар ва волийлар каби Ҳукмдорнинг одамлар зиммасидаги мажбуриятлар, қийноқли азоблар билан ўраб ташлашларидан қўрқмасдан шижоат кўрсатиб, ўз китоби “ал-Аҳком-ус-султониййа вал-виллоёт-уд-диниййа”да халифаликнинг, вазирликнинг ва волийликнинг шартларини дин илми жиҳатидан ёзиш билан буюк жасорат намунаси бўлганди.

Мовардий, икки бадавий аъробийнинг, махсус шартлар устида шартномалашилари, даштдаги бир савдо-сотик муомаласи ҳақида ундан фатво талаб қилиб келганларида, улуг тавозуъ билан уларнинг саволларига ҳар қалай бирор жавоб бермаган эди. Бунга кўра бу икки араб, Мовардийнинг илми жуда оз бир талабаси ҳузурига келади ва олимнинг бу шогирди, икки аъробийнинг берган саволларига жавоб ва фатвони тезда берган эди. Мовардий, бу ҳодисадан ибрат ва чиройли бир дарс олди. Натижда кундалик замонларда долзарб саналган савдо-сотик борасида мукамал Китоб ал-буюъ” асарини тақдим этди[13].

“Адаб ад-дунё ва ад-дин” китобига, Хонзода дея машхур бўлган Увайс Вафо бин Муҳаммад бин Аҳмад бин Ҳошим бин Довуд ал-Арзанжоний номи остида бир турк олими шарҳ ёзган ва ҳижрий 228 йилда Истанбулда нашр этдирган. Увайс Вафо ёзган шарҳида келтирилган ҳадисларнинг ривоятини, номи келтирилган зотларнинг қисқача тарихини ва бир оз ҳам бўлса маънолари ва яширин сўзлар(киноя – истиъора)ни равшанлантириш учун ғайрат кўрсатган.

Увайс Вафо шарҳ ёзган асл нусха тўлиқ бўлиб “Булоқ” ўқув матбаъсида чиқарилган. Бу нусха учунчи бир мустақил қўлёзма нусхаси деб ҳисобланмоқда. Чунки, бу нусха Мисрда нашр этилганлардан фарқи ва “Дор-ул-Кутуб” кутубхонасида мавжуд икки қўлёзма нусхаларига мосдир. Бу шарҳнинг номи “Минҳож-ул-якин шарҳи “Адаб ад-дунё ва ад-дин”дир[14].

Таҳлил ва натижалар. Қози Абулҳасан Али бин Муҳаммад бин Ҳабиб ал-Басрий ал -Бағдодий ал-Кеший ал-Мовардий (Аллоҳ раҳмат айласин) айтурки: фазилатларнинг ва неъматларнинг ягона соҳиби Аллоҳга ҳамд бўлсин! Расулulloҳ ва набийларнинг охиргиси ҳазрат Муҳаммад (с.а.в)га, унинг аҳли оила ва тақво соҳиби бўлган асҳоби саломлар бўлсин!

Абулҳасан Мовардий III соҳа илмий меросига оид адабий ва лисоний асарлари: “Китоб ал-амсал ва-л-хикам” (“Масаллар ва ҳукмлар”); “Китоб адаб ад-дунё ва-д-дин” (“Дин ва дунё одоби) асарларида ҳам қуръоншунослик масалалари мавжуд, жумладан: “Китоб адаб ад-дунё ва-д-дин” асаридаги Қуръони карим сура ва оятлари боблар бўйича қиёсий таҳлилга тортилган:

Биринчи боб: Ақлнинг фазилати ва нафсу ҳавонинг ёмонлиги, деб номланиб унда, инсоният эришган тарихий тажриба ва кексалар фикри туфайли муктасаб ақлнинг ўсиши. Ёшлар зукколиги. Фароздақ ва Жарирнинг топқирлиги. Ўткир зехн. Ақл камолоти. Муктасаб ақл ва туғма ақлнинг ўзаро мутаносиблиги. Оқил ва Аҳмоқнинг сифати кабилар фаслларда ислом ва қадимги фалсафа назариялари ҳам ўрин олган. Унда, Қуръони карим сура ва оятлари кетма кетлигига кўра: Қуръони карим: 1.67. Мулк сураси, 10-оят; 2.36. Ёсин, 70; 3.22. Ҳажж, 46; 4.17. Исро, 84; 5.45. Жосия, 23; 6.57. Ҳадид, 14; 7.79. Нозот, 40-41- ояти каби Қуръони каримнинг 7та сурасидаги 8та оятларидан истифода этилган.

Иккинчи боб: Илм одоби. Дин жамиятни тартибга солади. Дин билан боғлиқ илмлар. Жоҳиллар ақл эгаларига душман. Олимлар хулқи. Билганига амал қилиш олимнинг шиори: Олимнинг султон ҳузурдаги одоби. Илм лаззати ҳар қандай лаззатдан афзал. Мавзунини ташкил этган илмнинг адабий, ҳодиса ва пайғамбаримиз (с.а.в)нинг замонидан муаллифнинг замонида қадар мусулмон илми мутахассислари ва улар насл(уммати муҳаммадий)ларининг зиммасида ўзига хос муносиб одобга асосланган исломнинг муҳим мавзуларидан бирдир. Баъзи кишилар бу мавзу ҳақида мустақил асарлар ёзган. Мазкур бобдаги Қуръони карим сура ва оятлари кетма кетлиги: 1.39. Зумар, 9; 2.17. Исро, 85; 3.9. Тавба, 122; 4.46. Аҳқоф, 4; 5.2. Бақара, 269; 6.96. Алақ, 5; 7.68. Қалам, 1; 8.12. Юсуф, 76; 9.18. Каҳф, 66; 10.35. Фотир, 28; 11.62. Жума, 5; 12.12. Юсуф, 78; 13.3. Оли Имрон, 187; 14.2. Бақара, 159; 15.2. Бақара, 41- ояти каби Қуръони каримнинг 12та сурасидаги 15та оятларидан истифода этган.

Учунчи боби: Дин одоби. Таълим ҳақида фасл. Илм олувчилар одоби. Ислом дини адабий жиҳатдан ёритилган. Унда, Қуръони карим сура ва оятлари кетма кетлиги: 1.16. Наҳл, 44; 2.58. Мужодала, 11; 3.58. Мужодала, 11; 4.2. Бақара, 286; 5.22. Ҳаж, 78; 6.5. Моид, 75; 7.16. Наҳл, 83; 8.4. Нисо, 123; 9.9. Тавба, 101; 10.6. Анъом, 44; 11.18. Каҳф, 110; 12.17. Исро, 110; 13.16. Наҳл, 90; 14.92. Лайл, 4 - ояти каби Қуръони каримнинг 11та сурасидаги 14та оятларидан истифода этган.

Тўртинчи боб. Дунё одоби. Биринчи қоида, итоат этиладиган дин. Иккинчи қоида, қаттиққўл султон бўлиши. Учунчи қоида, ҳаммага бир хил адолатли бўлиши. Биринчи қисм, султон ўз раияти. Иккинчи қисм, инсон ўзидан юқоридагиларга адолат қилиши. Учунчи қисм, инсон ўзи қаторидагиларга адолатли бўлиши. Тўртинчи қоида, умумий хавф-хатар йўқлигидир. Бешинчи қоида, доимий мўл-қўлчилик. Олтинчи қоида, чексиз орзу умидлардир. Фасл: Аввалги қоида. Иккинчи қоида. Аммо дин. Аммо насаб. Аммо фарзандлар. Аммо яқинлар. Аммо қудачилик. Аммо қамраб олинган шартларда учта шарт бор. Биринчиси. Иккинчиси. Учунчиси. Биринчи ҳолат: Иккинчи ҳолат: Учунчи ҳолат: Фасл:... Бу бўлимда Ибн Халдуннинг “Муқаддима”сидаги баҳслар каби ундан олдинроқ иқтисодий ва социал назариялар бўйича бвҳслар олиб боргани ҳам мавжуд. Унда, Қуръони карим сура ва оятлари кетма кетлиги: 1.4. Нисо сураси, 28-оят; 2.96. Алақ, 6-7; 3.87. Аъло, 3; 4.90. Балад, 10; 5.94. Шарҳ, 7-8; 6.11. Худ, 118; 7.16. Наҳл, 71; 8.75. Қиёмат, 36; 9.6. Анъом, 65; 10.4. Нисо, 27; 11.3. Оли Имрон, 103; 12.19. Марям, 96; 13.58. Мужодала, 22; 14.29. Анкабут, 8; 15.13. Раъд, 21; 16.30. Рум, 21; 17.16. Наҳл, 72; 18.4. Нисо, 1; 19.49. Ҳужурот, 4; 20.15. Ҳижр, 85; 21.4. Моид, 2; 22.64. Тағобун, 16; 23.92. Лайл, 5-10; 24.3. Оли Имрон, 180; 25.6. Анъом, 141; 26.17. Исро, 29; 27.74. Муддассир, 6; 28.18. Каҳф, 46; 29.2. Бақара, 264; 30.21. Анбиё, 8; 31.20. Тоҳо, 50; 32.30. Рум, 7-7; 33.41. Фуссилат, 10; 34.23. Муъминуун, 71; 35.52. Нажм, 48; 36.2. Бақара, 261; 37.5. Моид, 20; 38.20. Тоҳо, 124; 39.100. Ўдиёт, 8; 40.38. Сод, 32; 41.23. Нур, 33; 42.2. Бақара, 201; 43.9. Тавба, 34; 44.20. Тоҳо, 13; 45.16. Наҳл, 97 - ояти каби Қуръони каримнинг 33та сурасидаги 53та оятларидан истифода этган.

Бешинчи боб. Нафс одоби: Нафс одоби. Аввалги қисм. Биринчи фасл: Кибр-ҳаво в амманликдан сақланиш тўғрисида. Иккинчи фасл: Гўзал хулқ тўғрисида. Учунчи фасл: Ҳаё тўғрисида. Ҳаёнинг турлари. Тўртинчи фасл: Ҳилм ва ғазаб тўғрисида. Макталган ғазабнинг баъзилари. Бешинчи фасл: Ростгўйлик ва ёлғон тўғрисида. Ёлғончининг белгилари. Рухсат берилган ёлғон. Олтинчи фасл. Ҳасад ва рақобат тўғрисида. Ҳасад офатлари.

Иккинчи қисм. Биринчи фасл: Сўзлаш ва сукут сақлаш ҳақида. Сўзлаш одоблари. Иккинчи фасл: Сабр ва сабрсизлик ҳақида. Сабрнинг турлари. Мусибатларни енгилаштиш. Бевовта бўлиш сабаблари. Мусибатларга сабр қилиш. Учинчи фасл. Машварат ҳақида. Маслаҳат берувчининг сифатлари. Тўртинчи фасл. Сир сақлаш ҳақида. Сирни ошкор этиш ёмонликлари. Бешинчи фасл: Ҳазил-мазах ва кулги ҳақида. Енгил мутойиба. Кулгининг офати. Олтинчи фасл: Шумланиш ва яхшиликни умид қилиш ҳақида. Еттинчи фасл: Мурувват ҳақида. Олийҳимматлик. Олийжаноблик. Мурувват шартлари ва ҳақлари. Ифбат. Узоқ бўлиш. Сақланиш. Саккизинчи фасл: Турли одоблар ҳақида. Ейиш-ичиш одоблари. Кийиниш одоблари. Одоб дурлари жамланган китоб каби мавзуларни ўз ичига қамраб олган. Нафс одобини қайд этиш билан “Дин одобини қиёслагани ҳолда Қуръони карим ва суннат, ҳадиси шариф аҳкомларига асосланган ислом динининг асосий ҳуқуқий-ахлоқий манбаси ҳисобланади. Унда, Қуръони карим сура ва оятлари кетма кетлиги: 1.91. Шамс сураси, 8; 2.12. Юсуф, 53; 3.7. Аъроф, 199; 4.18. Каҳф, 24; 5.42. Шўро, 40; 6.3. Оли Имрон, 61; 7.16. Наҳл, 105; 8.18. Каҳф, 73; 9.49. Хужурот, 12., 11; 10.113. Фалақ, 5; 11.41. Фуссилат, 34; 12.25. Фурқон, 72; 13.3. Оли Имрон, 200; 14.39. Зумар, 10; 15.31. Луқмон, 18; 16.57. Ҳадид, 23; 17.3. Оли Имрон, 159; 18.56. Воқеъа, 35-37; 19.18. Каҳф, 49; 20.12. Юсуф, 33; 21.14. Иброҳим, 15; 22.2. Бақара, 281; 23.35. Фотир, 43; 24.3. Оли Имрон, 75; 25.7. Аъроф, 26; 26.16. Наҳл, 81; 27.7. Аъроф, 31 - ояти каби Қуръони каримнинг 18та сурасидаги 30та оятларидан истифода этган ҳолда адабиёт жанрига илоҳий оятлар қўллаш услубиятини олиб кирган ва таъвилларини берган.

Машхур адабиёт услубиятчилиси Абулҳасан Мовардий “Адаб ад-дунё ва ад-дин” асарида келтирилган Қуръони каримдаги суралари тартиб рақами бўйича таснифлаш: 1.2. Бақара; 2.3. Оли Имрон; 3.4. Нисо; 4.5.Моида; 5.6. Анъом; 6.7. Аъроф; 7.9. Тавба; 8.11. Худ; 9.12. Юсуф; 10.13. Раъд; 11.14. Иброҳим; 12.16. Наҳл; 13.17. Исро; 14.18. Каҳф; 15.19. Марям; 16.20. Тоҳо; 17.21. Анбиё; 18.22. Ҳажж; 19.23. Муъминуун; 20.24. Нур; 21.25. Фурқон; 22.29. Анкабут; 23.30. Рум; 24.31. Луқмон; 25.35. Фотир; 26.36. Ёсин; 27.38. Сод; 28.39. Зумар; 29.41. Фуссилат; 30.42. Шўро; 31.45. Жосия; 32.46. Аҳқоф; 33.49. Хужурот; 34. 53. Нажм; 35.56. Воқеъа; 36.57. Ҳадид; 37.58. Мужода; 38.62. Жума; 39.64. Тағобун; 40.67. Мулк; 41.68. Қалам; 42.74. Муддассир; 43.75. Қиёмат; 44.79. Нозийот; 45.87. Аъло; 46.90. Балад; 47.92. Лайл; 48.94. Шарҳ; 49.96. Алақ; 50.100. Ўдиёт маккий, 8 кабилардан иборат. 50та сурадан истифода этган ҳолда

адабиёт жанрларига илоҳий манбасидан туркум оятларни киритган.

Қуръони карим суралари нузул маконлари бўйича таснифлаш – Маккада нозил бўлган суралар ва оятлари: 1.6.Анъом, 44, 65, 141; 2.7. Аъроф, 199, 31, 26; 3.11. Худ, 118; 4.12. Юсуф, 53, 78, 33, 76; 5.14. Иброҳим, 15; 6. 15.Ҳижр, 85; 7.16. Наҳл, 44, 83, 90, 71, 72, 97, 81, 105; 8.17. Исро., 84, 110, 85, 29; 9.18. Каҳф маккий, 66, 110, 46, 24, 49; 10.19. Марям., 96; 11.20. Тоҳо, 50, 124, 13; 12.21. Анбиё, 8; 13.23. Муъминуун., 71; 14.25. Фурқон, 72; 15.29. Анкабут, 8; 16.30. Рум мак., 21, 7-7; 17.31. Луқмон, 18; 18.35. Фотир, 28, 43; 19.36. Ёсин, 70; 20.38. Сод, 32; 21.39. Зумар, 9, 10; 22.41. Фуссилат, 10, 34; 23.42. Шўро, 40; 24.45. Жосия маккий, 23; 25.46. Аҳқоф, 4; 26.53. Нажм, 48; 27.56. Воқеъа, 35-37; 28.67. Мулк, 10-оят; 29.68. Қалам, 1; 30.74. Муддассир, 6; 31.75. Қиёмат, 36; 32.79. Нозийот, 40-41; 33.87. Аъло, 3; 34.90. Балад, 10; 35. 91. Шамс, 8; 36.92. Лайл й, 4, 5-10; 37.94. Шарҳ, 7-8; 38.96. Алақ, 6-7; 39.100. Ўдиёт й, 8; 40.113. Фалақ, 5 каби суралар шулар жумласидан.Маккий 40та сура, 78та оят истифода этилган.

Мадинада нозил бўлган суралар ва оятлари: 1.2. Бақара, 269, 159, 41, 286, 264, 261, 201, 218-оятлари; 2.3. Оли Имрон, 187, 103, 180, 61, 159, 200, 75; 3.4. Нисо, 123, 28, 27, 1; 4.5. Моида, 75, 2, 20; 5.9. Тавба, 122, 101, 34; 6.13. Раъд, 21; 7.22. Ҳажж, 46, 78; 8.24. Нур, 33; 9.49. Хужурот, 12, 11; 10.57. Ҳадид, 14, 23; 11.58. Мужода, 11, 22, 11; 12.62. Жума, 5; 13.64. Тағобун, 16 каби Маданий 13та сура, 38та оятлар шулар жумласидан.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Абулҳасан Мовардий илмий меросининг 3-соҳага оид адабий мероси саналган “Адаб ад-дунё ва ад-дин” асарида Қуръони каримдан фойдаланиш тенденцияси: Маккий 40та сурадан 78та оят, Маданий 13та сурадан 38та ояти карималар истифода этилган. Жами бўлиб, 53та сурадан 116та оятдан истифода этилган. Бу мавзу таҳлил доираси кенг бўлиб келгуси тадқиқотларимизда батафсилроқ қайтамуз.

Юқоридаги сура ва оятлар иштирокида қуръоншунослик илмини адабиётшунослик фанига олиб кирган ва унинг ривожини шу даражадаки, адабиёт фанига зикр этилган Қуръони карим сура ва оятлари, нозил маконлари, суралар ва оятлар кесими боблар бўйича олиб қаралганда истифода этилган бир вақтнинг ўзида: адабий, сиёсий, ҳуқуқий, фикхий асар вужудга келтирилган. Бу ҳам бўлса бу умумий маънода қуръоншуносликдаги услублардан бири саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. Жўраев З.М. Ал-Мовардийнинг “Ал-Аҳком ас-султонийя” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср). Ихтисослик: 24.00.01 – Ислоҳ тарихи ва манбашунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Автореферати – Тошкент: “Zamon Poligraf”, 2019. - 46 б.
2. Жўраев З.М. Мовардийнинг Шарқ давлатчилиги таълимоти (X – XI асрлар). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. – 310 б.
3. Абулҳасан Мовардий. Дунё ва дин одоблари. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Абдуллоҳ Исмоил Маҳдум. – Тошкент: Hilol-nashr, 2017. – Б. 454.;
4. SCOPUS N1. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020. Review Article. Al-Ahkom as-sultoniyya va-l-valoyot ad-diniyya in source classification of world manuscripts study of Abulhasan Mavardi product. – 438-450 bb. juraev741@mail.ru [http:// dx.doi.org /10. 31838/jcr.07.03.82](http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82). <http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>. [http:// dx.doi.org/ 10.31838/ jcr.07.03.82](http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82).
5. SCOPUS N2. Masalieva Oltinoy. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich masaliyevaoltinoy@gmail.com. The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources. TEST Engineering & Management. March - April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1803 – 1811.
6. SCOPUS N3. O. Masalieva. Z. Juraev, Email: juraev741@mail.ru (2022). One of the Vital Educational and Scientific Heritage and the Development of Qur'anic Studies. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE),14(1):130-136. DOI:10.9756/INT-JECSE/ V14I1. 221017 [https://www. int-jecse.net/ abstract.php?id=408](https://www.int-jecse.net/abstract.php?id=408); International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE), 14(1) 2022, 130-136 DOI: 10.9756/INT-JECSE/ V14I1.221017;

7. Абулхасан ал-Мовардий. Ал-аҳком ас-султониййа ва-л-валоёт ад-диниййа. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 7228/1. – 107 варак.; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси қўлёзмаси, № 63. – 186 варак.;
8. Жўраев Зиёвуддин Муҳитдинович. “Ал-Мовардийнинг “Ал-Аҳком-ус-султониййа вал-валоёт-уд-диниййа” асари – давлатчилик тарихига оид муҳим манба”. – Тошкент: Университет, 2001. – 120 б. Маг. дисс...
9. ЎзРФА ШИ ҚМ Абулхасан Мовардий. Адаб ад-дунё ва ад-дин. №№10428; 11046; 12087; 12866; 12456; 13068; 16028; 16029№ 16030; 14173; Адабул қози. №№17931; 17932.
10. الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) تحقيقه لدكتور أحمد مبارك البغدادي. جامعة الكويت. قسم العلوم. ص. 390-دار ابن قتيبة. الكويت. 1989. : السياسية الناشر مكتبة
11. Shaykh Wafa ben Mohammad al-Arzanjani Known as “Khan Zada” (D.After 1327 H). Minhaj al-yaqin ‘Sarh ’Adab ad-dunyâ wad-din. (Odob va Axloqı Islomıyya). // Muhaqqıq: Mohammed Al-Azazi. – Beyrut: Dar Al-Kotob Al-ilmiah. 2019 A.D.-1440 H. Tab’atu al-Ula.- 2Parts 1544 s.
12. Абулхасан Мовардий. Дунё ва дин одоби. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Абдуллоҳ Исмоил Махдум. – Тошкент: Nilol-nashr, 2017. – Б. 454.
13. Абулхасан Мовардий. “Одоб-ул-қози”. Муқаддима.



Бобур ЗОКИРОВ,

Бухоро давлат университети таянч докторанти

ЎзМУ профессори, т.ф.д. А.Ерметов тақризи асосида

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СТРУКТУРАСИНING ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Аннотация

Мазкур мақолада Бухоро Халқ Совет Республикасида давлат бошқаруви структурасининг ташкил этилиши масалалари ёритилган. Муаллиф томонидан большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати ва унга қарши миллий кадрларнинг олиб борган кураши ҳақидаги баъзи маълумотлар таҳлил этилган. Шунингдек, БХСР даги нозирликлар фаолияти ҳамда миллий манфаатларга хизмат қилган кадрларнинг большевиклар томонидан ноҳолис тарзда лавозимидан озод қилиниши билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Ҳарбий-сиёсий шартнома, Қизил армия, инқилоб, совет, большевик, партия, почта ва телеграф, Конституция, «немис айғоқчиси», «сотқин», «Ватан хоини».

ОРГАНИЗАЦИЯ СТРУКТУРЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы организации структуры государственного управления в Бухарской Народной Советской Республике. Автором проанализированы некоторые сведения о колониальной политике большевиков и борьбе национальных кадров против неё. Наряду с этим уделяется внимание вопросам, связанным с деятельностью инспекций в БНСР и несправедливым увольнением большевиками кадров, служивших национальным интересам.

Ключевые слова: Военно-политическое соглашение, Красная армия, революция, советская, большевик, партия, почта и телеграф, Конституция, «немецкий шпион», «предатель», «предатель Родины».

ORGANIZATION OF THE STRUCTURE OF STATE ADMINISTRATION IN THE BUKHARA PEOPLE'S SOVIET REPUBLIC

Abstract

This article discusses the issues of organizing the structure of state administration in the Bukhara People's Soviet Republic. The author analyzes some information about the colonial policy of the Bolsheviks and the struggle of national cadres against it. Along with this, attention is paid to issues related to the activities of inspections in the BPSR and the unfair dismissal by the Bolsheviks of personnel who served national interests.

Key words: military-political agreement, Red Army, revolution, Soviet, Bolshevik, party, post and telegraph, constitution, "German spy", "traitor", "traitor to the motherland".

Кириш. Бухоро амирлиги 1920 йил 2 сентябрь кунини совет қизил армияси томонидан ағдарилди. Большевиклар Бухоронинг қатта бойликларини талан-торож қилиб, Марказга жўнатиш билан шуғулландилар. Бухорода ҳокимият Ёш бухороликлар бошчилигидаги инқилобий кўмитага ўтди. 1920 йил 14 сентябрда БКП МК ва Муваққат Бутун Бухоро Инқилобий Кўмитасининг бирлашган мажлисида Абдуқодир Мухиддинов бошчилигида олий қонун чиқарувчи орган – Бутун Бухоро Инқилобий Кўмитаси ва Файзулла Хўжаев раислигида Республика ҳукумати – Халқ Нозирлар Кенгаши ташкил қилинди.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, асосан жадидлардан ташкил топган Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Бухоро ҳукумати ўша пайтда дунёдаги энг диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаган маълумотли кишилар тўпланган ҳукуматлардан бири ҳисобланган. Ҳукумат таркибидаги нозирларнинг аксарияти ХХ аср бошларида Бухоро, Истанбул (Туркия), Берлин (Германия), Москва (Россия) ва бошқа дунёга машхур шаҳарларда таълим олишган эди. Бунинг устига ҳукумат аъзолари асосан ёшлардан иборат бўлган. Ҳукумат бошлиғи Ф.Хўжаев ўша пайтда 24 ёшда бўлиб, БХСР нозирларнинг ўртача ёши эса 29 ёшдан ошмасди.

1920 йил 6 октябрда Бухоро амирининг ёзги саройи Ситоран Моҳихосада Бутунбухоро халқ вакилларининг I қурултойи иш бошлади ва унда 1960

нафар делегат катнашган. Қурултой Бухорони Халқ Совет Республикаси (БХСР) деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Большевиклар БХСР тузилганлигининг дастлабки кунлариданоқ мустамлакачилик сиёсатини намоён қилдилар. Улар томонидан амирлик хазинасини Марказга жўнатиш, қизил армия сонини ошириш, амир замонида фаолият кўрсатган йирик заминдорлар мол-мулкани мусодара қилиш ва уларни жазолаш ҳамда РСФСР ўртасида ҳарбий-сиёсий шартнома тузилиши хусусида ҳаракат олиб бордилар [1].

БХСРнинг давлат бошқарувида фаолият кўрсатиш учун Марказнинг рухсати лозимлигининг белгиланиши мамлакат ички ишларини қаттиқ назоратга олинганлигини англатарди. 1920 йилнинг 12 ноябрида Бухоро жумҳуриятидаги РСФСР вакили В. Куйбишев томонидан 10-номерли буйруқ юборилди. Бунда РСФСР ваколатида қайд қилинмасдан Бухоро ҳукуматида ёки партия муассасаларига кириб ишлаган кишилар дезертир ҳисобланиб, махсус қонунлар бўйича ҳукмга тортилиши белгиланди. Шунингдек, РСФСР ваколатида қайд қилинмасдан Бухорода турувчи шахслар ҳам бошқа мамлакатга туриб, РСФСР ваколатидан бош тортувчилар жумласидан ҳисобланиб, ҳукмга тортилиши кўрсатиб ўтилган [2].

Бухорода 1920 йил кузида савдогар ва йирик мулкдорлар қўлидаги товар ва бошқа бойликлар оммавий равишда мусодара қилинди. 1920 йил 17 сентябрда Туркистон комиссияси томонидан Бухоро Республика-

сидаги озиқ-овқат ишлари бўйича қабул қилинган махсус қарорда куйидагилар таъкидланди:

Бухоро Республикасидаги озиқ-овқат ишлари Озиқ-овқат нозирлиги томонидан олиб борилади ва мулкдорлар табақаси белгиланган қатъий нархларда давлат развёрсткаси (таксимоти) ни бажаришлари шарт;

Бухоро Республикасидаги фронтни химоя қилаётган 1-армиянинг озиқ-овқат таъминоти Озиқ-овқат нозирлиги томонидан таъминланиши керак [3].

Мазкур қарорни бажариш учун 1920 йил сентябрда махсус БХСР Озиқ-овқат халқ нозирлиги ташкил қилинди. Нозирлик фаолиятига Мирзо Ислому Муҳитдинов раҳбарлик қилди. БХСР ҳукумати ва янги ҳокимиятнинг бошқа тузилмалари Бухорода юзага келган иқтисодий инкирознинг олдини олиш ва уруш натижасида вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш учун жиддий киришди.

1920 йилнинг октябрь - ноябрь ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий ахдлашув ва шартнома тузилди. 1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланди. 1920 йилнинг ноябрида икки ўртада тузилган шартноманинг 2-моддасида БХСРнинг ички мустақиллиги қисман чекланган эди: “Шу ерлардаги завод ва фабрикалар бутун асбоб ва анжомлари билан бутунлай Бухоро шўролар жумҳуриятининг хусусий мулки бўлиб ўтади. Лекин, почта ва телеграфлар, темир йўллар бу моддага дохил эмас. Чунки бу масала умумиттифоқ маҳдаси (шартнома)да очик равишда қаралса ва ҳал қилинса керак” [4]. Мазкур шартномалар мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган ёш Бухоро давлати арбоблари фаолиятини муайян даражада чеклашга олиб келди. Иттифоқ шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет қўшинлари туришини “қонуний” асослаб бердики, мазкур ҳол БХСР ички ишларида Россиянинг тўғридан - тўғри ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашувидан бошқа нарса эмас эди [5].

Шундай оғир шароитда республиканинг ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев раҳбарий лавозимларга миллий кадрларни ишлашига эришиш учун курашди. У ўзини ВКП (б) кўз олдида номига инкилобий руҳда ва совет мафқурасида ишлаётган қилиб кўрсатиб, амалда мустақил бошқарувга эга бўлиш учун тинимсиз кураш олиб борган. Бу ишларга у билан бирга Ота Хўжаев, Шазиддин Махсум, Фитрат, Қори Йўлдош, Уста Нур, Юсуфзода, Ибод Хўжаевлар бош-қош бўлганлар. Файзулла Хўжаев большевикларга қарши олиб борилаётган курашда ички душмандан огоҳ бўлиш ҳақида тўхталиб шундай деган: “Рус ваколатхоналарида ўз хуфия кишиларимиз тинмай кузатиш олиб боришлари лозим. Муҳиддин Махсум, Ағдаров ва Оқчуринларнинг ҳар бир қадамни кузатиб борилсин. Энг асосийси - ўзимиздан, ерли халқдан чиққан сотқинлар билан муносабат алоҳида бўлмоғи, улар билан турли йўллардан “ёки... ёки” ҳилида ҳисоблашиш керак!” [6].

1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг II курултойида демократик руҳдаги БХСР конституцияси қабул қилинди. Мазкур конституцияси 5 бўлим, 17 боб, 79 моддадан иборат бўлган [7]. Бухоро тарихидаги дастлабки конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакиллари иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотик эркинликлари конституцияда ўз ифодасини топди. Ушбу бош қонунга кўра БХСРнинг олий органи Бутунбухоро халқ вакиллари курултойи ҳисобланган. Бу ҳақида ушбу конституциянинг 16-моддасида шундай келтирилади: “Бутун Бухоро ўлкасининг Марказий курултойи вилоят курултойларининг вакилларидан ҳар бир сайлов доирасида икки минг сайловчиға бир вакил ҳисоби ила ташкил этиладур.

Марказ курултойида вакилларнинг умумий сони (350) дан ортик бўлмас. Курултой биттач вакилларнинг ваколатлари битажакдур” [8].

Курултой йилига бир марта чақирилар ва унда республика конституциясини қабул қилиш, ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга биноан, Халқ Нозирлар Кенгаши давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди. Ҳукумат 10 нозирликдан иборат бўлиши кўрсатилди. Халқ Нозирлари Шўроси таркибига раис ва халқнозирлари кирган. Халқ нозирликлари - ташки ишлар, ички ишлар, ҳарбий ишлар, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, савдо ва саноат, молия, зироат(қишлоқ хўжалиги), давлат назорати таркибида ташкил этилган.

Мазкур конституциясининг 1-бўлим, 2-боб, 14-моддасида мамлакат мустақиллигини химоя қилиш учун аскар тузиш ва аскарликка қабул қилиш масалалари келтирилган: “Халқ тарафидан қозонилган хурриятни муҳофаза қилмоқ ҳамда Бухоро жумҳуриятининг ҳудудларини ажнабий аскарларнинг тажовузидан сақламоқ учун маълум бир ёшга етган ва қурол тутишга муқтадир бўлган ҳамма эркаклар умумий аскарлик хизматиға муқаллафдурлар” [9].

БХСР ташкил топган йилиёқ (1920 йил) Қосим Қориев ва Муҳаммад Абдулқаримов Эронга элчи қилиб юборилган. Эрондан БХСРга Абдулфаридхон бошчилигидаги элчилар етиб келганлиги тарихий адабиётларда қайд қилинган. 1921 йилнинг октябрида БХСР ҳукумати бошлиғи, ташки ишлар нозир Ф. Хўжаев Озарбайжон Республикаси ташки ишлар нозир Хасанов билан боғланган ва натижада Бухоро савдогарлари Боку ярмаркасиға қорақўл териси ҳамда озиқ-овқат махсулотлари билан доимий иштирок этиб турган. 1921 йил 11 январда Абдулқарим Юсуфзода БХСР нинг Афғонистондаги элчиси лавозимиға тайинланган. Унинг ўрниға 1922 йилнинг кузида БХСР ташки ишлар нозирининг ўринбосари Ҳошим Шойиқ Ёқубов юборилган. У кейинчалик Бухороға қайтмай, Қобулда қолиб кетган. Шундай қилиб, БХСР-Афғонистон дипломатик ва сиёсий алоқалари тарихи 1922-1923 йилларда Бухоро ваколатхонасининг Қобулдаги РСФСР ваколатхонасиға қўшиб юборилгунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

БХСР нинг ХХСР (Хива) элчиси лавозимиға Мирбобо Муҳсин ўғли ва кейинчалик Фатхулло Комил тайинланган. Россияда БХСР нинг вакили сифатида Муҳиддин Мансуров, Нажиб Хусайнов, Мирзо Баҳром Аҳмадуллолар фаолият олиб борган. Туркистон АССР (Тошкент)ға Мирмуҳсин Фозилов элчи қилиб тайинланган. 1922 йилда эса Акмалов кейинчалик Абдувоҳидовлар Тошкентға БХСР нинг элчиси лавозимида ишлаган. БХСР нинг Россиядаги элчиси Абдулқодир Муҳиддинов Латвия элчисига 1922 йилнинг июлида 40 000 дона қорақўл тери сотганлиги тўғрисида “Бухоро ахбори” газетасининг 89-сонида маълумот келтирилади [10].

1923 йили Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий конференцияси олдида Ф.Хўжаевнинг Бухородаги уйида яширин кенгаш бўлиб ўтади. Унда Ф.Хўжаев, Отахўжаев, Муинжон Аминов, Фитрат, Мазҳар Бурхонов, Мухтор Саиджонов ва бошқалар қатнашадилар. Шу кенгашда Ф.Хўжаев иштирокчиларға шундай дейди: “Биз Бухоро Халқ Жумҳуриятида афғон консулхонасининг тугатилишиға рози бўлиб, қатта хатоға йўл қўйдик. Афғон консулхонасини сақлаб қолишниға эмас, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам дипломатик алоқалар ўрнатмоқ керак эди” [11].

Большевиклар БХСРнинг қатор зиёлилари ва давлат идораларида хизмат қилаётган ходимларига қарши фитна тайёрлаш орқали уларни бошқарувдан тозалашни

режалаштирган. 1923 йил июль ойида БХСР Марказий Ижроия Кўмитасининг қарори билан Атоулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Муйинжон Аминов ҳамда Саттор Хўжаевлар масбул хизматларидан олиниб республикадан ҳайдалдилар. Уларнинг жинойтларини текшириш учун Позднишев, Раҳимбоев ва Остоновлардан иборат комиссия тузилган. Комиссия айбдорларнинг қуйидаги ишларини кўрсатади:

1. Атоулла Хўжаев инқилоб бошларида Шаркий Бухорода мухтор вакил бўлган вақтида 500 дона қўйни ўз мулки қилган. Ҳукумат пулларида ўз ҳовлисини таъмирлатган. Ҳукумат қоғозларида сохтакорлик қилган. Ҳеч нарсадан тап торгмай меҳнаткаш халқ олдида шўро ҳукуматининг нуфузи ва эътиборини туширган.

2. Абдурауф Фитрат Шарқ мусика мактаби мудирини бўлган вақтида, мактаб биносидан май тайёрлаган ва ғайриахлоқий ишларни қилган. Шўро мактабларини халқ кўзи олдида ёмон қилиб кўрсатган. Нозирлар шўросининг ислохот комиссиясида раис бўлиб турганида ҳукуматнинг қарорлари бўлмасдан ўз ихтиёри билан комиссия вазифаларини кенгайтириб Марказий ҳукумат муассасаларининг ишларига монъе бўлган, яъни ўзига берилган ҳокимият доирасидан чиққан. Халқ мулкининг беҳуда сарфланишига ва таланишига сабабчи бўлган.

3. Муйинжон Аминов БХСР Марказий Ижроия Кўмитасининг раиси вазифасини адо этган. 1922 йилдан босмачилик билан алоқа қилган ва очик суратда аксилинқилобий ҳаракатда бўлган. Шўролар ҳокимиятини ёмон кўрсатишда ва ҳукумат оқчасини беҳуда сарфлаш, босмачиларнинг хибсдан қочишига ёрдам берган. Халқ хўжалиги олий шўросининг раиси бўлган ҳолда жумҳуриятнинг иқтисодий жиҳатдан манфаатини кўзлаб чоралар кўрмаган. Давлат савдо шўъбасининг Москвадаги шўъбаси тарафидан шўъба хизмати таъмирлашга берилган олтиннинг бир қисмини ўзида қолдирган. Ушбу лавозимда ишлаган пайтида доим маст ҳолда юрган, ароқхўрлик ва ахлоқсизлик қилган.

4. Саттор Хўжаев молия идорасининг бошлиғи бўлганида жумҳуриятнинг 500 минг сўм олтин ва 20 минг сўм нуқрани олиб мазкур оқчаларни ўзида сақлаган” [12].

1923 йил 4 октябрда БХСР МИҚнинг 22-рақамли қарори чиқарилади ва ушбу қарор барча нозирликлар ва бўлимларга юборилади. Мазкур қарор БХСР МИҚ раиси Муҳиддинов, техник комиссия раиси Головин ва котиб Шумков томонидан имзоланган. Бунда 1923–1924 хўжалик йилида давлат аппаратидаги штатларни қисқартиришга топшириқ берилган [13]. Натижада ушбу қарор асос қилиниб, миллий раҳбарлар сафи тозаланган ва улар бошқарувдан олиб ташланган.

1924 йили Бухоро Халқ Республикаси давлатчилигининг тугатилиши, совет ҳокимиятидаги қатағон ва кирғинлар, мафқуравий тўсиқлар туфайли Бухоронинг Германиядаги талабалари ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Тақдирнинг аччиқ қисмати туфайли ўнлаб ўз юртига қайтган талабалар “немис айғоқчиси”, “сотқин”, “Ватан хоини” каби асосиз айблар билан йўқотилди ёки уларнинг асосий қисми Сибирь ва Магадан ўрмонларида 15–20 йил қамоқхона азобини тортдилар. Совет ҳукуматининг Г. Меерсон сингари қўл-оёғи чакқон мафқурачилари ва “маҳсус идора” вакиллари хорихда қолган талабаларни Ўзбекистонга қайтишга мажбур қилганлар. Ватанда эса уларни ўлим кутарди [14].

Хулоса. Қизил армия кўшинлари Бухорода амир ҳокимиятини курул кучи билан ағдаргач, бу ерда совет намунасида республика тузишга киришдилар. Ёш бухороликлар партияси большевиклар талаби билан Бухоро коммунистик партияси таркибига киритилди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач Файзулла Хўжаев бошчилигидаги ҳукумат давлатни мустақил идора этишга киришди. Бирок, большевиклар республиканинг ички ишларига аралашиб, миллий манфаатларга хизмат қилаётган кадрларни турли-туман айблар билан лавозимдан озод қилди ҳамда уларнинг ўрнига марказ топшириғини сўзсиз бажарадиган кишилар тайинланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова – Т.: Шарқ, 2000. – С.328.
2. РСФСР нинг Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятидаги вакили томонидан // “Бухоро ахбори”. 1920 йил 26 ноябрь. 9-сон.
3. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб 1917–1939 йиллар. – Тошкент: “Фан”, 2019. –Б.138.
4. Русия Ижтимоий Қўшма Шўролар Жумҳурияти билан Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти орасида маҳда // “Бухоро ахбори”. 1920 йил 1 декабрь.
5. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Тошкент: Маънавият, 2002. –Б.17-18.
6. Қиличев Ф. Зулматдан садолар. – Тошкент: Адолат, 1994. – Б.25.
7. Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг Қонун асосий [Конституцияси]. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 1-14-варақлар.
8. Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг Қонун асосий [Конституцияси]. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 11-варақ.
9. Ўз МА, 47-фонд, 1-рўйхат, 13-йиғма жилд, 13-варақ.
10. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. – Тошкент: Abu matbuot konsalt, 2012. – Б. 112-113.
11. Муртазоев Ж. Соҳибов Х. Фитратга қарши фитна // “Жаҳон адабиёти” журнали. 1997 йил 3-сон. – Б.181; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920–1924 йиллар). – Тошкент: “Фан”, 2004. –Б.11.
12. Рашидов О. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафқура майдонидаги кураши (1917–1938 йй). – Тошкент: Muharrir, 2022. – Б.76-77.
13. Ўз МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1788-йиғма жилд, 13-варақ.
14. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Аҳмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. – Тошкент: “Наврўз”, 2020. –Б.176.



Файзулла ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси
ДСК ҳузуридаги Фискал институт доценти, тар.ф.н.

ТДПУ доценти., т.ф.ф.д (Phd) Х.Бердиев тақризи асосида

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ: ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ

Аннотация

Мақолада Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳаларига инвестицияларнинг фаол жалб этилиши, бизнес ва тадбиркорлик учун янги имкониятлар яратилиши, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётидаги ўрни масалалари ёритилган. Унда хорижий инвестицияларнинг ички бозорни махсулот билан таъминлаб, махсулот сифатини яхшилашига, халқнинг моддий манфаатдорлиги ошишига таъсири баён қилинган. Унда инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви аҳоли фаровонлигини ўсишни таъминловчи муҳим омил эканлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, бизнес ва тадбиркорлик, хорижий инвестиция, тарихий таҳлил, иқтисодий ўсиш, даромад, фойда, имтиёз, технология, эркин иқтисодий зона, саноат, корхона.

РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Аннотация

В статье освещается активное привлечение инвестиций в отрасли предпринимательства Нового Узбекистана, создание новых возможностей для бизнеса и предпринимательства, роль иностранных инвестиций в экономике страны. Описывается влияние иностранных инвестиций на улучшение качества продукции, обеспечение внутреннего рынка продукцией, повышение материальной заинтересованности населения. В нём проанализировано интеграция Узбекистана в мировое хозяйство являющиеся важным фактором, обеспечения инвестиционного климата, обеспечивающим рост благосостояния наарада

Ключевые слова: Новый Узбекистан, бизнес и предпринимательство, иностранные инвестиции, исторический анализ, экономический рост, доход, прибыль, привилегия, технология, свободная экономическая зона, промышленность, предприятие.

THE ROLE OF FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT AND ENTREPRENEURSHIP IN THE NEW UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS

Annotation

The article highlights the active attraction of investments in the business sector of New Uzbekistan, the creation of new opportunities for business and entrepreneurship, the role of foreign investment in the country's economy. The influence of foreign investments on improving the quality of products, providing the domestic market with products, and increasing the material interest of the population is described. It analyzes the integration of Uzbekistan into the world economy, which is an important factor in ensuring the investment climate that ensures the growth of the welfare of the people

Keywords: New Uzbekistan, business and entrepreneurship, foreign investment, historical analysis, economic growth, income, profit, privilege, technology, free economic zone, industry, enterprise.

Кириш. Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётига жалб қила олмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолатда муаммонинг энг яхши ечимларидан бири – молиявий маблағлари ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига жалб этишдир. Инвестиция мамлакат иқтисодиётига янги замонавий технологиялар, ноу хаулар олиб кириш имконини яратади, ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи замонавий махсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини оширади, янги корхоналар куриш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Тарихий таҳлиллардан англаш мумкинки, биринчидан, инвестициялар мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади; Иккинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар

ўрнатилади. Натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий махсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тарихшунослик материалларининг таҳлиliga кўра, иқтисодий ва тарихий мавзуда амалга оширилган айрим илмий тадқиқотлар ҳам эътиборга моликдир. Уларда мустақиллик йилларида, шу билан бирга Янги Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт, шу жумладан тадбиркорлик соҳаларига жалб этилишининг айрим жиҳатлари, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалаларининг иқтисодий жиҳатлари, баъзи ўринларда соҳанинг айрим тарихий хусусиятлари баён қилинган. Уларга У. Гафуров, Д. Юлдашев, С. Ходжикулова, С. Бозоров, Ф. Рашидов, М. Эшов, Қ. Усмонов, В. Ишқуватов, А. Марозиқов ва бошқалар томонидан чоп этилган илмий манбалар ва қатор илмий тадқиқотларни мисол қилиш мумкин.

-Тадқиқот методологияси. Мақола тарих фанида қабул қилинган тарихийлик, манбаларни контент-таҳлили, имийлик таҳлили ва кузатув ҳамда эксперт-сўров методлари асосида ёритилган. Назарий методлогик

асосдаги бундай ёндашувлар асосида куйидаги методлардан фойдаланилди: -объективлик (халилик) ва изчиллик тамойили; -тарихий ва ижтимоий воқеа-ходисаларни хронологик асосда ўрганиш; -манба ва даллиларга таяниш ва уларнинг ҳаққонийлига асосланиш тамойиллари муҳим аҳамият касб этди. Ушбу мақола тарих, иқтисод, социология фанлари узвийлиги негизда олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда ишланган. Мақола манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва эксперт-таҳлил методларига асосланган ҳолда ёзилди.

- **Таҳлил ва натижалар.** Янги Ўзбекистонда инвестициялар иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Бу борада 2018 йил Ўзбекистонда – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантириш йили”, 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да салмоқли натижаларга эришилди. 2019 йилда инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар салмоғи 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорига биринчи марта ўз рейтингини сезиларли даражада яхшилади. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингига 7 поғона юқорилади [1].

Тадбиркорликни инвестициялар асосида янада ривожлантириш мақсадида Президентнинг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сонли Фармони ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу меъёрий ҳужжат мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, товарлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади.

Бугунги кундаги фаол инвестиция муҳитидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, 2017 йилгача Ўзбекистон иқтисодиёти деярли олти мартага, аҳолининг реал даромадлари эса тўққиз мартага яқин ўсди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот улуши 6,9 мартагача ортди, бу эса, Ўзбекистонга ўрта даражадаги даромадли давлатлар каторига кириш имконини берди. Натижада, Жаҳон банки рейтингига биноан иқтисодий даражада кўра, Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 63 ўринни эгаллади. Бутунжаҳон иқтисодий форум баҳосига кўра, 2014 ва 2015 якуни ва 2016-2017 йиллар ўсиш прогнозлари бўйича Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган бешта давлатдан бири ҳисобланиши қайд қилинган. Масалан, Ўзбекистон 2017 йилда бизнес юритишнинг энгиллиги бўйича жаҳон рейтингига 74-ўринга кўтарилиб, корхоналарни рўйхатга қўйиш бўйича 11-ўрин, электр тармоқларига уланиш бўйича 27-ўрин, кредитлаш бўйича 55-ўрин, хусусий мулкни рўйхатга олиш бўйича 73-ўринни эгаллаган [2]. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли ўртасида даромадларни нисбатан мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаган эди.

Соҳада олиб борилган ислохотлар самараси туфайли 2017 йил сўнги чораги ва 2018 йил биринчи ярмида хориж давлатлари билан 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилган ҳолда, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Давлатимиз томонидан олиб борилган фаол инвестиция сиёсати натижасида эса

«Сўнги 20 йил ичида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ислоҳ қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва қафолатланмаган кредитлар ҳажми 25,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва унинг 11,8 миллиард АҚШ доллари (47 %) фақатгина сўнги 5 йил ичида жалб қилинган. Сўнги 5 йил ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан, нефть-газ соҳасига жалб этилган (73%), ахборот технологиялари ва коммуникация соҳасига 6 %, электрэнергетика соҳасига 2 %, энгил ва тўқимачилик соҳасида 1 % атрофида ва автомобиль соҳасига 0,2 % инвестиция жалб қилинган [3]. Кейинги йилларда соҳани янада тараққий эттириш учун қатор Фармонлар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Президентнинг 2018 йил 1 августдаги “Инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сонли Фармонинг тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестицион муҳитни шакллантириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва руҳат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратишни таъминлайдиган ҳуқуқий нормаларни янада мустаҳкамлади [4].

2018 йил мамлакатда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб элон қилиниши, қабул қилинган Давлат дастурига биноан ўтган йилларда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, соҳани янада ривожлантириш белгиланди. 2019 йил эса юртимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантириш йили» деб элон қилинди. Мазкур йилда ҳам ушбу соҳаларни, хусусан хорижий инвестицияларни тадбиркорлик соҳаларига тадқиқ қилишнинг муҳим мақсад ва вазифаларни кўрсатиб берилди. Сўнги йилларда ёш тадбиркорларнинг хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликка оид халқаро кўргазмаларда иштирок этишларига кўмаклашиш Дастури ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ, 2018 йилда ёш тадбиркорлар ХХР нинг Гуанжоу шаҳридаги “Canton”, Англиянинг Бирменгем шаҳридаги “Desijn London”, “PPMA Show”, Англиянинг Лондон шаҳридаги “WTM” ҳамда Германиянинг Мюнхен шаҳарларидаги халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этганлар [5].

Бу борада ўз фикрини билдирган Президент Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестицияларга алоҳида тўхталиб, жаҳон тажрибасига кўра, дунёнинг қайси давлати фаол инвестиция сиёсатини тўғри юритган бўлса, у ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, деган эди. Энди ушбу соҳадаги ўзгаришлар динамикасига уруғ берилса, тадбиркорлик соҳаларига инвестициялар икки усул билан жалб қилинганлигини кўриш мумкин.

Айниқса, тадбиркорликнинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, бу борада жаҳоннинг етакчи давлатлари билан ҳам ўзаро манфаатлари алоқалар сезиларли даражада жадаллашиб, хорижий давлатлар раҳбарлари билан музокаралари натижасида Россия, Беларусь, АҚШ, Хитой, Франция ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Миср, ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси ва Яқин шарқ давлатлари билан стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Жумладан, 2018 йилнинг ўзида Россия Федерацияси билан Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари, 23 та янги савдо уйлари, 20 та кичик корхоналар ва чакана савдо марказлари очилиши режалаштирилди [6]. Ушбу мамлакатлар билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан –

3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларни муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтингини охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Агар 2020 йилгача фаолият юритган хорижий капитал иштирокидаги кичик корхоналар иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрилса, энг кўп саноатда 2995 тани (39,6%), савдода 1668 тани (22,0%) ҳамда бошқа фаолият турларида эса 1225 тани (16,2%) ташкил қилган. Энг паст кўрсаткич эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 97 тани (1,3%), ахборот ва алоқада 209 тани (2,8%), юк ташиш ва сақлашда 214 тани (2,8%) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 339 тани (4,5%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 325 тани (4,3%) ва қурилишда 488 тани (6,5%) ташкил қилган. Кўриниб турибдики, фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Энг кам улуш эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2385 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1522 тага кўпайган. Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 428 та, Туркия Республикаси – 364 та, Хитой Халқ Республикаси – 351 та, Қозоғистон Республикаси – 246 та, ва Корея Республикаси – 161 та корхоналар янги рўйхатдан ўтган. Шунингдек, 2018 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Хиндистон Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари қўшма корхоналар фаолиятига қизиқиш билдирганлар [7].

Демак, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик орқали инвестицияларни турли соҳаларга тизили йўналтирилиши натижасида ўтган тарихий даврда салмоқли ишлар амалга оширилиб, улар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Шу муносабат билан Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2018 йил – Ўзбекистонда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширилган ишлар атрофида таҳлил қилиниб, ушбу соҳани ривожлантириш борасида муҳим тақлифлар илгари сурилди. Унга мувофиқ равишда Дастурда белгиланган режаларни амалга ошириш мақсадида 2019 йил биринчи ярим йиллигида қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилгани, мамлакат тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 %дан ошганини кўрсатди. Олиб борилган фаол инвестиция сиёсати туфайли 2021 йилда Ўзбекистонга 8,6 млрд долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 254 трлн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 109 фоизга ўсди, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 8,6 млрд долларни ташкил қилди. Бу даврда давлат Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,9 миллиард долларлик 318 та йирик инвестициявий лойиҳа, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида эса 7,4 миллиард долларлик 15 710 инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли жами 275 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. 184 млн долларлик қўшимча экспортга етказиб бериш ва 25 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш имконини берди. 152 дона фойда-

ланилмаётган технологик ускуна ҳам ишга туширилди, бу эса, ўз навбатида, 1 257 янги иш ўрни яратиш имконини берди [8].

Хорижий инвестициялар ҳажми тадбиркорлик соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши белгиланган. Улар қуйидагича: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга; 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга [9]. Бундай имтиёزلарнинг белгиланиши кичик бизнес шакллари ташкил этишда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришда янада аҳамиятлидир. Чунки хорижий давлатлар билан ўзаро инвестициявий ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти муҳим рол ўйнайди.

Албатта, мамлакатда инвестицион муҳитни яналда яхшилашга қаратилган энг муҳим дастурлардан бири, бу шубҳасиз Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясидир. Стратегиянинг 26-мақсади “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш”, деб номланади. Унда инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, «пастан-юкорига» тамойили асосида, янги тизимни йўлга қўйиш, 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш, давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, Стратегияда Республика ҳудудлари ва хорижий мамлакатлар бизнес вакиллари ўртасида ташки иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, жумладан Тошкент шаҳрида ҳар йили «Тошкент халқаро инвестиция форуми»ни ўтказиб бориш режалаштирилгани эътиборга моликдир [10].

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан тадбиркорлик соҳаларига инвестицияларни фаол жалб этилиши, барча халқаро операцияларни амалга оширишда кичик бизнес ва тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига гувоҳ бўлди. Зеро, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этилиши натижасида тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлик доирасидаги молиявий муаммолари ўз ечимини топанлигини, хорижий корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларидан инвестициялар орқали юқори фойда олишга, улардан унумли фойдаланиш эса ички бозорни маҳсулот билан таъминлаб, маҳсулот сифатини ошишига, халқнинг моддий манфаатдорлигига сабаб бўлишини тасдиқлади. Янги Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорлик соҳаларига жалб этилаётган хорижий инвестициялар фаолият юритаётган тадбиркорлик тармоқларидаги корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони ва сифатини кенгайтириш ва рақобатдошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чоралар мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қилаётганлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР

1. Саифназаров Т. Султонов Т. Янги Ўзбекистон ва учинчи ренессанснинг мустаҳкам пойдевори //“Ўзбекистоннинг янги ривожланиш босқичида ёшлар дунёкарашини шакллантиришнинг ижтимоий, фалсафий ва тарихий жиҳатлари” мавзусидаги Республика микёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент, 2020, – Б. 24.
2. Узбекистан в оценках и сопоставлениях // Экономическое обозрение. -Ташкент, 2018. №1.
3. Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан қайси соҳага киритилмоқда? [https://kun.uz/news / 2018 / 10/17](https://kun.uz/news/2018/10/17).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони// Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2018. №7.
5. Бекмуродов А, Мажидов И, Ғафуров У. Буюк ва муқаддасан, мустақил ватан. – Тошкент: Ўқитувчи. 2011. – Б. 124.
6. Рўзметов С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари. // Таълим тизимида ижтимоий фанлар. 2019. №3. – Б. 30.
7. Халқаро муносабатларда муҳим босқич. // Халқ сўзи, 2019. 1.01. №1.
8. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. - Тошкент, 2019. –Б. 49.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Янги Ўзбекистон. 2022 йил, 1 февраль, 22- сон (544)